



УДК 631.6: 631.8: 628.179 (999.3)

## ЭКОЛОГИК ТОЗА МАҲСУЛОТЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЭКСПОРТНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

**Умирзоков Ўролбек Ёрқул ўғли**

Тошкент давлат аграр универстети

Агролагистика ва бизнес факултети маркетинг ёналиши 4-курс талабаси

**Джорайев Илҳом Раимжон ўғли**

Тошкент давлат аграр универстети

Агролагистика ва бизнес факултети ахборот тизимлари ва технолагиялари ёналиши

3-курс талабаси

**Аннотация:** Республикамиз иқтисодиётини ривожланишида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш жуда муҳим ўрин тутди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш тизимини такомиллаштириш эса ўз навбатида унинг илмий асосларга таяниб иш юритади. Бугунги кунга келиб бу борада соҳани ривожлантиришда жуда кўплаб чора тадбирлар олиб борилмоқда.

**Калит сўзлар:** ақлли қишлоқ хўжалиги, рақамлаштириш ва агробизнес, озиқ-овқат хавфсизлиги, рақамли платформа, агробизнес.

**Аннотация:** Экспорт сельскохозяйственной продукции играет очень важную роль в развитии экономики нашей республики. Совершенствование системы экспорта сельскохозяйственной продукции, в свою очередь, базируется на ее научных основах. На сегодняшний день в связи с этим в развитии отрасли принимается много мер.

**Ключевые слова:** умное сельское хозяйство, цифровизация и агробизнес, продовольственная безопасность, цифровая платформа, агробизнес.

**Abstract:** Export of agricultural products plays a very important role in the development of the economy of our republic. Improving the system of export of agricultural products, in turn, is based on its scientific foundations. To date, many measures are being

taken in this regard in the development of the sector.

**Keywords:** smart agriculture, digitalization and agribusiness, food security, digital platform, agribusiness.

Дунё аҳолиси озиқ-овқат истеъмоли таркибида экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига бўлган талаб ошиб бормоқда. Республикада аҳолининг экологик тоза маҳсулотларга бўлган талабини ички имкониятлар ҳисобига барқарор таъминлаш, шу билан биргаликда экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортининг ҳажмини кўпайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Республикада етиштирилаётган мева - сабзавот ва узум маҳсулотлари дунё мамлакатлари аҳолиси томонидан экологик тоза маҳсулотлар сифатида қабул қилинмоқда ва бу маҳсулотларга бўлган талаб ошиб бормоқда. Шу сабабли мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини ривожлантириш, зарурий инфратузилма объектларини ташкил қилиш ҳамда етиштирилган маҳсулотларни сотиш тизимини такомиллаштириш каби масалалар қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланмоқда.

Бугунги кунда жаҳон бозорининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бозоридаги глобаллашув истеъмолчилар хоҳиш-истакларини ривожланишининг натижаси бўлиб, унда экологик тоза товарларга бўлган талабнинг сифат ва миқдор таркибини умумлаштирган янги меъёрлар вужудга келмоқда. Республикада етиштирилаётган маҳсулотлар бу меъёрлар талабига жавоб бермоқда.

Экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сертификатлаш талабларининг 90-95 фоизи барча давлатларда бир бирига ўхшаш, бироқ бир давлат ўзининг миллий ўзига хос хусусиятларига эгадир. Жаҳонда экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва истеъмолининг ўртача ўсиш суъратлар 10 - 15 фоизни ташкил этмоқда.

Экологик тоза табиий мева ва сабзавот маҳсулотлари қуёшсевар маҳсулотлар ҳисобланади. Демак, дунёнинг ҳамма жойида ҳам экологик тоза табиий меваларни етиштириб бўлмайди. Шу боис, дунёнинг қуёшли давлатларида етиштириладиган маҳсулотларга талаб ортиб бориши табиий. Аслида ҳам шундай бўлмоқда. “Жаҳон”



ахборот агентлигининг ёзишича, яқинда Австриянинг “Lebens Art” ва “Bio Austria” номли журналлари саҳифаларида республикамизда ишлаб чиқариладиган ҳамда Европа давлатларида ҳам юқори талабга эга, истеъмол қиймати юқори экологик тоза маҳсулотлар ҳақида ёзилган. Ўзбекистонда қадимий тажриба асосида экологик жиҳатдан тоза озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётганига эътибор қаратилган.

Дунёнинг етакчи мамлакатлари Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилишга интилоқда. Осиё қуёшидан тафт олган, экологик тоза ширин-шарбат меваларимиз дунё бозорларини эгалламоқда.

Республикада мева-сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг ўзаро кооперациясини ташкил этиш бўйича ҳукуратимиз томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Шу асосда экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни молиялаштириш, таъминот ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш тизимли равишда йўлга қўйилмоқда. Мева-сабзавот, полиз ва узум маҳсулотлари етиштириш бўйича мавжуд имкониятлар ички эҳтиёжни тўлиқ қондириш билан биргаликда нафақат яқин хорижий давлатлар, балки бир қатор Европа мамлакатларига ҳам экспорт қилиш ҳажмини кескин ошириш имконини беради. Белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар туфайли аҳолини экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари, жумладан, мева-сабзавот, полиз, картошка ва узум маҳсулотлари билан таъминлашда барқарор ўсиш суръатларига эришилмоқда.

Республикамизда фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари, бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ва аҳоли томонидан етиштирилаётган маҳсулотлар экологик тоза маҳсулотлар сифатида етиштирилиб, жаҳон бозорлари талабларига ва экологик тоза маҳсулотга қўйиладиган талабларга тенгглаштиришга ҳаракат қилинмоқда. Давлатимиз томонидан бу соҳани янада қўллаб-қувватлаш ҳамда рағбатлантириш борасида катта ишлар қилинмоқда. Буларнинг барчаси қишлоқ хўжалигининг ривожига ўз самарасини бермоқда.



Республикада қишлоқ хўжалигида экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни иқтисодий рағбатлантириш йўллари жорий этилган. Булар мамлакатимизда экологик тоза ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқарувчилар учун кенг имконият ва имтиёзлар яратиш борасидаги ишлар уларни экспорт салоҳиятини оширишда муҳим омил бўлмоқда.

Республикада қишлоқ хўжалигида экологик тоза ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни иқтисодий рағбатлантиришда кўшимча омилларни яратишга алоҳида эътибор қаратилган .

Экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни рағбатлантириш куйидагиларни ўз ичига олади:

- солиқ имтиёзлари, субсидиялар;
- хусусий қўйилмаларни кафолатлаш;
- имтиёзли кредитлар;
- инфратузилма масалаларини ҳал этишга ёрдам бериш;
- бевосита хорижий инвестицияларни жалб қилишни рағбатлантириш ва бошқалар.

Бевосита экспортни рағбатлантириш куйидагилардан иборат:

- экспорт мукофотлари, экспорт кредитлари;
- экспортни суғурталаш, солиқ, божхона имтиёзлари;
- бевосита хорижий инвестицияларни рағбатлантириш ва бошқалар.

Республикада қишлоқ хўжалигида экологик тоза ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни иқтисодий рағбатлантиришда экспортчиларни ҳуқуқий, иқтисодий, ташкилий ва халқаро миқёсда қўллаб-қувватлаш экспортни рағбатлантириш тизимининг асоси бўлмоқда.

## Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ваҳобов А. Ўзбекистоннинг ЖСТга аъзо бўлиши: озиқ-овқат саноати ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш соҳасида тўсқинликлар ва

имкониятлар. // Ўзбекистон иқтисодиёти. – 2016. -№1. 104–116;

2. Абатуров В. Продовольственная опасность. //Экономическое обозрение. Ташкент, 8№ .2017. с.50–54. 3. Мухитдинова У.С. Методология и методика оценки эффективности функционирования рынка плодоовощной и виноградной продукции. // Экономика и финансы. Москва. 2018 – №11 (150) ноябрь. с. 68-69.

3. Ш. Мирзиёев. “Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятини кундалик қоидага бўлиши керак” Т.: Ўзбекистон,2017.

4. Экспорт фаолияти бўйича қўлланма. Экономическое обозрение. Тошкент 2014.

5. Назарова Г.Г., Хайдаров Н.Х. Халқаро иқтисодий муносабатлар. – Т.: ТДИУ, 2005. – 273 б.

6. “Танкидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидага бўлиши керак” мавзусидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2017й илга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси// Халқ сўзи, 2017йил 16 январь, -1бет.

7. Барсукова С. В. Международный маркетинг: проблемы и перспективы развития // Вестник Финансового университета, 1999, №3

8. Шибает М. А., Забудьков В. А. Глобализация мировой экономики как предпосылка развития международного маркетинга // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. 2015, № 5–1.

### Интернет сайтлари

1. [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
2. [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
3. [www.fao.org](http://www.fao.org)